

Х.МУХАММЕДОВА Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
ТИЛШУНОСЛИК	
К.КАРИМОВ Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
У.НОСИРОВА Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари	80
Н.АХМАДЖОНОВ Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир	83
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари	86
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала	89
Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар	97
У.НАЗИРОВ Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
А.КОСИМОВ XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
Д.ХУСЕНОВА Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги	105
А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА Концептнинг тоифалари.....	108
К.ХОДЖАХАНОВА Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
Б.ҚУРБОНОВА Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
Н.МЕРГАНОВА Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
Э.ДЖАББАРОВА Модуляр таълим инновацион таълим сифатида	118
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари	121
АДАБИЙ ТАҚВИМ	
Ибратли ҳаёт йўли.....	124
ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография.....	127

Юқоридаги ифодада x_i ни t_i билан t_i ни эса s_i , $i = \overline{1, n}$ билан алмаштирамиз:

$$\frac{1}{\Gamma(\alpha_1)\dots\Gamma(\alpha_n)\Gamma(1-\alpha_1)\dots\Gamma(1-\alpha_n)} \frac{\partial^n}{\partial x_1 \dots \partial x_n} \times \\ \times \int_{a_1}^{x_1} \dots \int_{a_n}^{x_n} (x_1 - t_1)^{-\alpha_1} \dots (x_n - t_n)^{-\alpha_n} dt_1 \dots dt_n \times \\ \times \int_{a_1}^{t_1} \dots \int_{a_n}^{t_n} (t_1 - s_1)^{\alpha_1-1} \dots (t_n - s_n)^{\alpha_n-1} \varphi(s_1, \dots, s_n) ds_1 \dots ds_n.$$

Сўнгра Дирихле формуласидан фойдаланиб, интеграллар тартибини алмаштирамиз:

$$\frac{1}{\Gamma(\alpha_1)\dots\Gamma(\alpha_n)\Gamma(1-\alpha_1)\dots\Gamma(1-\alpha_n)} \frac{\partial^n}{\partial x_1 \dots \partial x_n} \times \\ \times \int_{a_1}^{x_1} \dots \int_{a_n}^{x_n} \varphi(s_1, \dots, s_n) ds_1 \dots ds_n \times \\ \times \int_{s_1}^{x_1} \dots \int_{s_n}^{x_n} \frac{dt_1 \dots dt_n}{(x_1 - t_1)^{\alpha_1} \dots (x_n - t_n)^{\alpha_n} (t_1 - s_1)^{1-\alpha_1} \dots (t_n - s_n)^{1-\alpha_n}} = \\ \int_{s_1}^{x_1} \dots \int_{s_n}^{x_n} \frac{dt_1 \dots dt_n}{(x_1 - t_1)^{\alpha_1} \dots (x_n - t_n)^{\alpha_n} (t_1 - s_1)^{1-\alpha_1} \dots (t_n - s_n)^{1-\alpha_n}} = \\ \int_0^1 \frac{\tau_i^{\alpha_i} (x_i - s_i)^{\alpha_i} (x_i - s_i) d\tau_i}{(x_i - s_i)^{\alpha_i} (x_i - s_i) \tau_i (1 - \tau_i)^{\alpha_i}} = \int_0^1 \prod_{i=1}^n \tau_i^{\alpha_i-1} (1 - \tau_i)^{-\alpha_i} d\tau_i = \\ = \prod_{i=0}^n \Gamma(\alpha_i) \Gamma(1 - \alpha_i).$$

Буни эътиборга олсак,

$$D_{a_1, \dots, a_n; x_1, \dots, x_n}^{\alpha_1, \dots, \alpha_n} D_{a_1, \dots, a_n; x_1, \dots, x_n}^{-\alpha_1, \dots, -\alpha_n} \varphi(x_1, \dots, x_n) = \\ = \frac{\partial^n}{\partial x_1 \dots \partial x_n} \int_{a_1}^{x_1} \dots \int_{a_n}^{x_n} \varphi(s_1, \dots, s_n) ds_1 \dots ds_n = \varphi(x_1, \dots, x_n)$$

тенглик ҳосил бўлади.

Адабиётлар:

1. Самко С.Г., Килбас А.А., Маричев О.И. Интегралы и производные дробного порядка и их приложения. – Минск: Наука и техника, 1987.
2. Ўринов А. Қ. Махсус функциялар ва махсус операторлар. – Ф., 2012.

(Тақризчи: А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор).

КОНЦЕПТНИНГ ТОИФАЛАРИ

А.Маматов, Р.Ахророва

Аннотация

Мақолада концепт ва унинг тоифалари ёритиб берилган.

Аннотация

В статье освещается концепт и категории концепта.

Annotation

The conception and it's types are mentioned in this article.

Таянч сўз ва иборалар: тилшунослик, концепт, хусусийлик, тарихий, илмий, маданий концепт, концепт тоифаси, ҳодиса, дифференциялаштиришсиз, тушунча, фрейм, гештальт.

Ключевые слова и выражения: языкознание, концепт, частность, исторический, научный, культурный концепт, категория концепта, явление, без дифференции, понятие, фрейм, гештальт.

Keywords and expressions: linguistics, conception, partitiveness, scientific, historical, cultural conception, category of conception, occurrence, without differentiation, notion, frame, gestalt.

Ҳозирги замон тилшунослигида концепт ҳар хил тоифаларга бўлинмоқда. Концепт атамаси ўзи хусусийлиги жиҳатидан хилма-хил бирликларга нисбатан қўлланилади. Ўз таркибига “худо”, “эркинлик ва озодлик”, “ҳақиқат ва тўғрилиқ”, “яхшилик ва бахт-саодат” каби дунёқараш тушунча-тасаввурларини қамраб олган, ҳар бири миллий жиҳатдан хусусийлашган “маданий концепт” энг кўп тадқиқ этилган. Кўпчилик тилшунослар мана шундай концептни тадқиқ этганларида уларни маданият даражаси билан белгиланган ва халқ турмушининг тарихий шароитларига мувофиқ шаклланиб келган одамнинг менталлигини акс эттирувчи бирликлар сифатида ўргандилар. Илмий жанатчилик томонидан у ёки бу маданият учун хос бўлган асосий концептнинг сони чекланганлиги ҳақидаги фикр қабул қилинган.

Маданий концептни фаол тадқиқ этиш илмий парадигманинг умумий антропоцентрик (инсон дунё маркази нуқтаи назаридаги) йўналтирилганлиги билан белгиланади. Н.Д.Арутюнованинг фикрига кўра “маданий концептлар одам билан у яшаётган моддий борлиқ ўртасидаги воситачилар вазифасини бажаради” [1.11].

Концептнинг айрим тоифасига “тун”, “хотира” ва шунга ўхшаш концепт киради. Бундай бирликлар, масалан, “ҳақиқат ва тўғрилиқ”, “дўст ва душман” концептидек аҳамиятли маданий мавқега эга эмас. Гарчи у ёки бу тилдаги миллий хусусий концепт доирасининг унсури бўлмиш ҳар қандай

концепт ҳам маълум даражада маданий жиҳатдан шартлангандир. Ниҳоят, юқорида баён этилган икки тоифа концептдан яна бир тоифани шакл тоифадаги концепт ташкил этади. Бу энг хилма-хил тушунча-тасаввурлар ҳар хил ҳодисалар ва воқелик доиралари англианини асословчи концептдир.

Концептнинг хилма-хил типларга ажратилиши чексиз моддий борлиқларнинг мавжудлиги, масалан, “жон”, “ақл”, “ҳис-туйғу” “қисмат” каби абстракт, “сув”, “одам”, “уй”, “йўл” каби ашёвий ва, шунингдек, содда ва илмий билим ҳамда рационал шакллар ҳамда шунга ўхшаш дунёни англианининг турли хиллари билан шартланади. Концепт типлари ҳақидаги масала билан боғлиқ ҳодисаларни концептуаллаштиришнинг чегаралари, яъни қандай когнитив бирликлар концепт сифатида белгиланиши мумкинлиги тўғрисидаги масала билан ҳам боғлиқ. Кўп ҳолларда концепт атамаси ҳар қандай ментал бирликларга нисбатан ҳеч қандай дифференциаллаштиришсиз қўлланилади, чунки концептни дифференциялаштириш кўп хил маъноли концепт атамасининг аниқлигини йўқотади. Шу билан бирга баъзи ишларнинг муаллифлари турли тоифа амалий борлиқлар ҳақидаги билимларни акс эттирувчи ментал бирликларни чегаралашга ҳаракат қиладилар. Масалан, Н. А.Илюхинанинг фикри бўйича, концепт томонидан қайта тақдим этилаётган барча тоифа “моддий” борлиқнинг хилма-хиллигига қарамай, бошқа “ментал” бирликлар қаторида концептни ажратиб чиқаришнинг мезонларидан бири

А.Маматов – ЎзМУ француз филологияси кафедраси профессори.
Р.Ахророва – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

сифатида мувофиқ тарздаги билимнинг ғоят абстракт хусусиятга эга бўлиши эътироф қилинади. (Илюхина. 2003. 129). Ўзининг хусусийлиги жиҳатидан хилма-хил амалий борлиқлар ҳақидаги билимларни акс эттирувчи ментал бирликлар ўртасидаги фарқланишларни инобатга олиш, бизнингча, самаралидир.

Баъзи бир тадқиқотчилар “концептуаллаштирилаётган” ҳодиса ва объектларни ўзларининг хусусийлигига қараб концептни синфларга бўлишга уринадилар. Мана шундай синфлаштириш намуналаридан бири З.Д.Попова ва И.А.Стерниннинг “Когнитив тилшунослик ҳақида очерклар” номли илмий асарида келтирилган [2.72-74]. (Концепт тоифаларини шунга ўхшаш синфлаштириш намуналари Бабушкин, 1996; Алефиренко, 2003 каби муаллифларнинг ишларида баён этилган). З.Д.Попова билан И.А.Стернин куйидаги концепт типларини ажратадилар:

1. “Тушунча-тасаввур” концепт тоифаси ёки нарса ва ҳодисанинг умумлаштирилган ҳис-туйғу кўргазмали тимсоли, яъни “алоҳида олинган нарса ёки ҳодисанинг ҳис-туйғулар томонидан қабул қилинаётган энг ёрқин, ташқи белгилари йиғиндисининг акс эттирилишидир” (масалан, қалтироқ, заранг, қалдирғоч ва ш.ў.).

Схема, яъни қандайдир умумлаштирилган мавҳум график ёки контурли кўринишда ифодаланган концепт тоифаси; бу, бир оз заифлаштирилган тимсолли гиперонимдир (масалан, болалар чизган расмлардаги одам тимсоли – “нуқта, нуқта, вергул, минус, юзни ҳам чиздик, таёқ, таёқ, бодрингча, тайёр бўлди одамча”).

3. “Тушунча, яъни нарса ёки ҳодисанинг энг умумий, аҳамиятли белгиларидан иборат бўлган, уларнинг рационал акс эттирилиши ва англанишининг натижаси бўлган концептдир” (масалан, квадрат - барча томонлари бир-бирига тенг бўлган тўртбурчак; самолёт - хаводан оғирроқ вазнли, кўтарувчан яссиликларга эга бўлган парвоз қилувчи аппарат). А.П. Бабушкин тасаввурни “тушунчасиз мантиқан кўрилувчи концепт”, деб таърифлайди.

Попова ҳамда Стерниннинг фикрига кўра, бундай концепт тимсолли даражага эгадир, буни прототип деб аталмиш нарсаларнинг мавжудлиги тасдиқлайди. Тушунчалар, қоидага кўра, терминологик ва ишлаб чиқариш лексикалари томонидан, ва, шунингдек, яшовчи, мижоз, илтимосчи, даъвогар, жавобгар, судья каби рационал семантиканинг лексемалари томонидан вербаллашадилар.

4. “Фрейм - яъни таркибий қисмларининг бутунлиги фараз қилинган кўп хил таркибий қисмли концепт, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги намунавий билимларнинг ҳажмли тасаввури, қандайдир йиғиндиси” (масалан, магазин, ресторан, кино, шифохона).

5. “Сценарий (скрипт) – яъни маълум бир вақт таркибидаги бир неча эпизодларнинг тадрижийлиги”. Амалда булар замон ва маконда содир бўлаётган алоҳида эпизодлар, босқичлар, унсурларнинг кетма-кетлигидир (масалан, муштлашиш, ўйин, саёҳат, кинога бориш ва ш.ў.).

6. “Гешталът - онгдаги алоҳида ҳодисаларнинг кўп қирралилигини тартибга солувчи комплекс, яхлит, функционал, фикрловчи таркиб; ҳиссий ва рационал унсурларни биргаликда мужассамлаштирувчи ва, шунингдек, акс эттирилаётган объектнинг ёки ҳодисанинг динамик ва статик йўсинларини бирлаштирувчи яхлит тимсол”. “Масалан, куйидаги сўзларнинг тажриба йўли билан олинган дефинициялари, яъни, индамаслик – “лабларини маҳкам қисиб олган ва маъноли нигоҳ ташлаётган одамлар, бўм-бўш хона, сукунат”; турмуш – “ошхонада идиш-товоқларни ювиш, уйдаги телевизор, хонадонни йиғиштириш”; математика – “рақамлар, тенгламалар, графиклар, дарслиқда, дафтарда ёки доскадаги мисоллар” каби иборалар, шубҳасиз, гешталътлардир. Муаллифлар [2.72-74], шунингдек, навбат, ўйин, қайноқ, муҳаббат, қисмат ва ш.ў. лексемалар билан объектлаштирилган концептларни ҳам ҳақиқий гешталътлар деб ҳисоблайдилар.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: “Языки русской культуры”, 2003.
2. Попова, Стернин. “Очерки по когнитивной лингвистике”. – М., 2001.